



**ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ КАМБАҒАЛЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ЙЎНАЛИШЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА**

Абдулхафизов Дониёр Суннатович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби тингловчиси

[qiblagoh@umail.uz](mailto:qiblagoh@umail.uz)

## **Аннотация**

Мазкур мақолада оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши, шу билан бирга Ўзбекистондаги оилавий бизнеснинг ҳозирги ҳолатини кўриб чиқади, халқаро тажрибага нисбатан унинг ривожланишининг кейинги йўналишларини ўрганайди. Ўзбекистонда ва дунёда оилавий тадбиркорлик дуч келадиган асосий қийинчиликлар аниқланади, шунингдек, оилавий тадбиркорликнинг ижобий ва салбий томонлари таҳлил этилади.

**Калит сўзлари:** аҳоли ҳаёт даражаси, оилавий тадбиркорлик, иқтисодиёт Бугунги кунда инновацион иқтисодий ривожланиш шароитида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг якуний натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Ушбу фаровонликка эришиш йўлларида бири оилавий бизнесни очиш ва оилавий бизнесни бошлашдир. Чунки оилада тадбиркорликни ривожлантириш ва уни оммалаштириш энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, яъни оилалар фаровонлиги ва аҳоли бандлигини ҳал этиш имкониятини яратади. Шунинг учун бу соҳани ривожлантириш доимо Республика ҳукуматининг диққат марказида.

Чет элда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам оилавий тадбиркорлик муваффақиятли ривожланган бизнес институтларидан биридир. Бироқ, оилавий тадбиркорлик ривожланиши тарихида иқтисодиёт ва сиёсатдаги турли босқичлар ва турли воқеаларни бошдан кечирган. Оила энг қадимги ижтимоий институт, шунингдек, биринчи хўжалик ташкилотларидан биридир.



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

Бугунги кунда оилавий тадбиркорлик мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини янана кенгайтиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбек халқи узок ўтмишдан оила аъзолари яқин қариндошлари билан ҳамкорликда иқтисодий фаолиятнинг бирон-бир тури билан шуғилланиш ва унинг ажодлардан авлодларга ўтиб келиши тарихий-анъанавий жараён ҳисобланган.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, худудларда оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига қаратилган қатор чоралар кўрилмоқда. Шу биланбирга, маҳаллий оилавий корхоналар тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида хусусий секторни ривожлантириши, жамиятнинг ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий эҳтиёжларини таъминлаш учун ўз салоҳиятини тўла-тўқис ҳали очиб бергани йўқ.

Шунга кўра, Ўзбекистон – 2030 Стратегиясида оилавий тадбиркорлик асосида бандликни таъминлашда оддий “қўл меҳнати”дан – саноатлашган ишлаб чиқариш босқичига ўтиш бўйича мақсад белгиланган. Ушбу мақсадга самарали эришиш бу борада муҳим изланишларни олиб бориш, оилавий корхоналар фаолиятини бошқаришсамарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади, ҳамда мазкур соҳанинг республикамиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида деярли ўрганилмаганлиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.<sup>1</sup>

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликка оид қонун ва бир қанча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва қарорлари қабул қилинди. 2012 йил 16 мартда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинган эди.<sup>2</sup> Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган хизматларни кўпайтириш мамлакатимиз учун ҳаётий заруратга айланмоқда. Чунки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси бугун бахтли яшашга ҳақли, уни таъминлаш учун давлатимиз тегишли шароитларни яратиб бериши лозим. Мамлакатимиз

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон — 2030” Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Охириги ўзгаришлар 2015 йил 26 июнда амалга оширилган.




## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

Президенти томонидан имзоланган оилавий тадбиркорликка оид қарорда: “Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш, экин майдонларидан унумли фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта тажриба ва захира мавжудлигидан далолат беради”.<sup>3</sup> Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишлари мавжуд. “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг 3 моддасида “Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир”<sup>4</sup>, деб белгилаб берилди. Ушбу қонундан келиб чиққан ҳолда, оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин (1-расм).



1-расм. Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликнинг асосий белгилари<sup>5</sup>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори.// Халқ сўзи. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар

<sup>4</sup> Ўзбекистон республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. 2012 йил 26 апрел. 3-модда

<sup>5</sup> Қуйидаги манба асосида тузилган: Ўзбекистон республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2012 йил 17-сон, 88-модда.



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

Ҳар бир жараён ва соҳанинг ривожланиши учун уларнинг қонуний асослари яратилган бўлиши лозим. Сўнги йилларда миллий иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий, молиявий, ижтимоий қўллабқувватлашда давлатнинг иштироки ва роли ортиб бормоқда. Шундай тадбиркорлик субъектларидан бири оилавий корхоналар ҳисобланади. Мамлакатимизда “оилавий корхона” деб номланган янги тадбиркорлик субъектининг ҳуқуқий асослари 2012-йилда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши билан белгиланди. Мазкур қонун оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, оилавий корхонани ташкил етиш, бошқариш ва фаолиятини юритишнинг асосларини белгилаб берди. Охириги йилларда оилавий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида ҳукумат томонидан муҳим чора-тадбирлар ва дастурлар қабул қилинди. Улар жумласига мамлакат Президентининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарори, 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон қарори, 2021 йил 27 мартдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5041-сон қарори, 2017 йил 7 февралда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июнь куни “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорни имзолади. 2018 йил 14 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг бевосита ушбу масалага дахлдор бўлган “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Юқорида таъкидланганидек,



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июнда «Ҳар бир оила тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, мазкур соҳани тартибга солиб турибди.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида оилавий корхона сингари тадбиркорлик субъектлари ўзига хос ўрин эгаллаб, улар макроиқтисодий кўрсаткичларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, 2023-йил январ ҳолатига кўра Ўзбекистонда 64 162 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган. Худудлар кесимида таҳлил этилганда, Қорақалпоғистон Республикасида 2 324 та, Андижон вилоятида 3 220 та, Бухоро вилоятида 3 786 та, Жиззах вилоятида 2 382 та, Қашқадарё вилоятида 5 949 та, Навоий вилоятида 4 398 та, Наманган вилоятида 1 414 та, Самарқанд вилоятида 11 235 та, Сурхондарё вилоятида 6 328 та, Сирдарё вилоятида 403 та, Тошкент вилоятида 5 564 та, Фарғона вилоятида 7 110 та, Хоразм вилоятида 6 049 та, Тошкент шаҳрида 4 000 та оилавий корхона рўйхатдан ўтган.<sup>6</sup>

Ўзбекистон Республикаси бўйича 2023-йил январ ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар ичида фаолият кўрсатаётгани сони таҳлили орқали, ҳар бир вилоятнинг иқтисодий ҳолатини ва мазкур фаолият турини ривожланиш ҳолатини кўрсатади. Қуйида фаолият кўрсатиш даражаси ва ривожланиш имкониятлари ҳақида таҳлил қиладиган бўлсак энг юқори фаолият улушига эга худудларга: Қорақалпоғистон (93,5%), Навоий (94,5%) ва Тошкент шаҳри (94,9%) вилоятлари фаолият кўрсатаётган корхоналар сони юқори. Жиззах (89,9%), Сирдарё (88,3%) ва Қашқадарё (87,8%) вилоятларида фаолият кўрсатаётган корхоналар сони бўйича паст кўрсаткичларга эга.<sup>55</sup> Ўзбекистон бўйича фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг улуши юқори бўлиши иқтисодий муҳитнинг барқарорлигини кўрсатади. Паст кўрсаткичга эга вилоятлар учун оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқилиши лозим, инновацион технологияларни жорий этиш ва таълим тизимини яхшилаш орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мумкин.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. –[www.stat.uz](http://www.stat.uz).



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

Ўзбекистонда 2023-йил январ ҳолатига кўра рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 64 162 тани, фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони: 59 110 тани ташкил этади. Фаолият кўрсатиш даражаси 92,1% га тенг.<sup>55</sup> Бу кўрсаткич оилавий корхоналар фаолиятининг нисбатан юқори даражада эканлигини кўрсатади. Ҳар бир фаолият турида фарқлар мавжуд бўлса-да, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида ҳам юқори даражада фаолият юритилмоқда. Ўзбекистон давлат томонидан тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган чоралар оилавий корхоналарнинг янада кенгайтиши ва ривожланишини таъминлаши мумкин.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп оилавий корхоналар савдо соҳасида (32,8%), саноат тармоқларида (30%), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (16%) соҳасида ташкил этилган.<sup>55</sup> Энг кам оилавий корхоналар ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш ҳамда қурилиш соҳаларида ташкил этилган.

Ўзбекистон оилавий корхона шаклидаги ташкилотларда ишловчи ходимлар тўғрисида маълумотларга асосланиб таҳлил қиладиган бўлсак, Ўзбекистон бўйича оилавий корхоналарда ишловчи ходимлар сони кўрсаткичлар ҳар йили ўсиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Республика бўйича оилавий корхоналарда ишловчи энг кўп ходимлар Самарқанд вилоятида 2022-йилда 13,247 киши ва энг паст кўрсаткич Сирдарё вилоятида 2022-йилда 438 киши кузатилмоқда.<sup>7</sup> Ушбу маълумотларга таяниб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон бўйича ходимлар сони ҳар йили ўсиб бормоқда. Бу оилавий корхоналар ривожланаётганини ва янги иш ўринлари яратилаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон бўйича оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари 1,821.0 млрд сўмни, асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар 884,4 млрд сўмни ташкил этади. Бухоро вилояти: саноат маҳсулотлари 3,0 млрд сўмни, республикада энг паст кўрсаткични, инвестициялар еса 40,3 млрд сўмни ташкил этади.<sup>56</sup> Энг юқори саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш Тошкент шаҳри ва Фарғона вилоятларига тўғри келади. Навоий вилояти асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар бўйича энг юқори кўрсаткичга ега бўлиб, бу еса унинг саноат

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумотлари. –[www.stat.uz](http://www.stat.uz).



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfseries.com](http://econfseries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

ривожланишидаги аҳамиятини кўрсатади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида инвестиция кўрсаткичлари бошқа вилоятларга нисбатан паст кўрсаткичларни кўрсатмоқда.

Ўзбекистоннинг оилавий корхоналари саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ва асосий капиталга инвестицияларни жалб қилишда муҳим рол ўйнайди. Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчилик қилса, Навоий вилояти инвестицияларни жалб қилишда устунликка эга.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик субъектларининг соф тушуми 2019-йилда 3 014 миллиард сўм бўлган бўлса, 2023-йилда у 9 509 миллиард сўмга етган.<sup>56</sup> Бу дегани, 5 йил ичида оилавий тадбиркорлик даромадлар деярли уч баравар ошган.

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўган оилвий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушуми ўсишига:

- Ўзбекистон Республикасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсати ўз самарасини бераётганлиги;
- оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган дастурлар самарали ишга туширилганлиги;
- аҳолининг бизнесга бўлган қизиқиши ва тадбиркорлик маданияти ўсиб бораётганлиги;
- оилавий тадбиркорлик учун имтиёзлар ва қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилганлиги сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик рақобатчилар бозорида алоҳида ўрин тутади. Оилавий тадбиркорликни кенгайтириш имкониятларидан бири бу қайта инвестициялардир. Кўпгина оилавий корхоналар учун бу пулни турли режасиз масалаларга сарфлаш эмас, балки уларнинг асосий бизнесига эътибор бериш зарурлигини англатади. Ушбу ёндашувни қўллашда корхоналар алоҳида тадбиркорлик маданиятига эътибор қаратадилар. Оилавий тадбиркорлик ички ва ташқи шароитларга мослашувчан бўлиб, бу



## International Conference on Educational Discoveries and Humanities

Hosted online from Moscow, Russia

Website: [econfséries.com](http://econfséries.com)

16<sup>th</sup> December, 2024

иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш ва иқтисодий ўсишни ошириш имконини беради.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистонда оилани ривожлантириш орқали тадбиркорлик, мамлакатнинг турли минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалаларини самарали ҳал қилиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4862-сон қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 мартдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5041-сон қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон "Ўзбекистон — 2030" Стратегияси тўғрисида"ги Фармони.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуни. Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 16 мартда қабул қилинган. Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган. Охириги ўзгаришлар 2015 йил 26 июнда амалга оширилган.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнь куни "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисида"ги қарори.// Халқ сўзи. 2018 йил 8 июнь. 1-2 бетлар.
6. Ўзбекистон республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. 2012 йил 26 апрел. 3-модда
7. Қуйидаги манба асосида тузилган: Ўзбекистон республикасининг Қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида //Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатлар тўплами, 2012 йил 17-сон, 88-модда.
8. Холбутаев Ў.Х. "Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истикболлари" / "Экономика и социум" №3(118)-1 2024, 1031 бет.